

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

## **САЙИД АҲМАДНИНГ “ТАШШУҚНОМА” АСАРИ ҲАҚИДА**

Шаҳноза Муҳитдиновна Раҳмонова

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

докторант, PhD

shahnoza.raxmonova86@gmail.com

### **Аннотация:**

мазкур мақолада Сайид Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асарида вазн ва мавзу мутаносиблиги, унда истифода этилган номаларнинг вазн хусусиятлари таҳлил қилинган. Ўрни билан адабиётшуносликдаги мавжуд фикрларга муносабат билдирилди.

**Калит сўзлар:** нома, жанр, вазн, аруз, маснавий, ҳазаж.

Ўзбек адабиёти тарихида нома жанрининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган шоирлардан бири Сайид Аҳмад ибн Мироншоҳдир. У Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли ҳисобланиб, Сайид унинг адабий тахаллусидир. Бу ҳақида у ўзининг асари “Таашшуқнома”да ҳам маълумот келтиради:

Ажунда то анингтек шоҳ бўлгай,

Дуогў(й) ибни Мироншоҳ бўлгай<sup>1</sup>.

Сайид Аҳмад ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг VII мажлисида қуидагиларни айтади: Сайид Аҳмад Мирзо – салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хили машхур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида “Латофатнома” анингдур. Бу туркча матлаъ яхши вақеъ бўлубтурким:

Сайд этти фироқинг мени мурғи сахарийдек,

Қил одамийлик, қилма ниҳон юзни паридек.

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:

Маҳам гар пеш аз ин пинҳон бимонад,

Ажаб, гар бедилонро жон бимонад<sup>2</sup>.

Демак, Навоий маълумотига қараганда Сайид Аҳмаднинг туркий ва форсий девонлари бўлган. Шунингдек, унинг маснавий шаклида яратилган

<sup>1</sup>Сайид Аҳмад. Таашшуқнома / Ўзбек мұмтоз адабиёти намуналари. 2 жылдлик. 2 жылд. Нашрға тайёрловчи Н.Раҳмонов.– Т.: ФАН, 2007. – 182-б. Кейинги мисоллар шу манбадан олинади.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13-том. – Т.: Фан, 1997. – 165-б.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

“Латофатнома” асари борлиги ҳам таъкидланади ва ундан байтлар келтирилади. “Таашшуқнома” асари ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Қизиги шундаки, “Латофатнома”дан олинган парча Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асарида акс этмаган. Демакки, унинг “Латофатнома” деган асари бўлган бўлиши мумкин. Бу оддий бизнинг муносабатимиздир.

Навоий таъкидлаган Сайд Аҳмаднинг икки девони бизгача етиб келмаган, девонлар фанга ҳам маълум эмас. Улар ҳақида адабиётшуносликда маълумотлар учрамайди. Унинг ёлғиз “Таашшуқнома” асари бизгача етиб келган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Лондондаги Британия музейида сақланади. Ўзбек тилидаги нашри эса ушбу қўлёzmанинг фотонусхаси асосида тайёрланган. Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асари композицияси юқорида тилга олинган икки номадан қолишмайди.

Асар ҳижрий 839 – милодий 1435-1436 йилларда яратилган бўлиб, 319 байтдан иборат. “Таашшуқнома” анъанавий ҳамд, наът, муножот, китоб сабаби, Шоҳруҳ Султон мадҳи, 10 нома, ҳар бир номадан кейин биттадан ғазал ва сўзнинг хulosаси, “Китоб хатмин айтур”, “Илтимосин айтур” каби қисмлардан ташкил топган. “Таашшуқнома”нинг муқаддимасида унинг яратилиш сабаблари қайд этилади.

Сайд Аҳмад асардаги ҳар бир номани қурилма жиҳатидан уч қисмдан – нома, ғазал, сўзнинг хulosаси қисмларидан иборат қилиб тузди ва бу ҳолат асардаги барча номаларда изчил сақланади. “Номалардаги бу уч қисм мазмунан бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, бир бутунликни ташкил этади. Бу асар қурилмаси қатъий режа асосида яратилганини кўрсатади”<sup>3</sup>. Шоир ўз асарини бирон ижодкордан таъсирланиб ёзгани ҳақида маълумот бермайди. Бироқ, асарнинг тузилиши, ғоявий йўналиши унинг номачилик анъаналари асосида ёзилганлигини кўрсатади. Ундан олдин яратилган номаларда бўлгани сингари унинг асари ҳам ўн номадан иборат қилиб яратганлигини баён этади:

Сафо етти битиган хома бўлди,

“Таашшуқнома” ҳам ўн нома бўлди<sup>4</sup>.

Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асарида ҳам аввалги номаларда бўлгани каби ошиқнинг маъшуқага битган мактублари акс этади. Мактубларда

<sup>3</sup> Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. – Т.: Фан, 1992. – 32-б.

<sup>4</sup> Сайд Аҳмад. Таашшуқнома / Ўзбек мұмтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. 2 жилд. Нашрға тайёрловчи Н.Рахмонов.– Т.: ФАН, 2007. – 162-б. Кейинги мисоллар шу манбадан олинади

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

ошиқнинг ҳолати, маъшуқанинг тавсифи, ошиқларнинг бир-бирига дил изҳорлари, севги йўлидаги ҳис-ҳаяжонлари акс этади. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сида ҳар бир номадан кейин соқийга мурожаат қилинган маснавийлар келтирилади. Сайид Аҳмаднинг асарида ҳам 3–5 байтдан иборат “сўзнинг холосаси” қисми ҳар бир номанинг сўнггида берилади. Кўринадики, “Муҳаббатнома”да ҳар бир маснавий

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсан,

Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсан

сингари тасаввуфона байт билан якунланса, “Таашшуқнома”даги ҳар бир “сўзнинг холосаси”

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,

Тахайюл бирла ҳам андеша қилмоқ

каби байт билан тугайди. Бундан кўринадики, Сайид Аҳмад учун Хоразмийнинг асари андоза бўлган. Бироқ, Сайид Аҳмад “Таашшуқнома”ни услуб, мазмун ва шакл жиҳатидан бутунлай янги асар қилиб яратган.

“Таашшуқнома”нинг аввалги номаси қуйидаги байт билан бошланади:

Аё, зебо/ санамлар кўр/кабойи,

V --- / V — — — / V — —

Қамуқ шаҳлар/ гадойингнинг/ гадойи.

V — — — / V — — — / V — —

Бу кун хусн ўр/дасинда по/д(и)шосен,

V — — — / V — — — / V — —

Зарофат о/ламинда маҳ/лиқосен<sup>5</sup>.

V — — — / V — — — / V — —

Шоир байтда маъшуқани санамлар ичida хуснда тенгсиз, жаннат шоҳлари унинг хусни(ошик)нинг гадоси, хусн ўрдасида подшо, гўзаллик оламида маҳлиқо эканлигини айтади. Шоир байтда таносуб, тазод, ташbih шеърий санъатларини бир ерда истифода этиш орқали вазннинг оҳангдорлигини оширган. Байтнинг ўлчов имкониятини саклаш учун учинчи мисрадаги “подшосен” сўзини имола орқали “под(и)шосен” каби талаффуз этиш кифоя. Шунда бир чўзиқ ҳижо(–)нинг ўрнига ўта чўзиқ ҳижо (–V) қўлланилади.

Шоир “Таашшуқнома” асарида тажнисли сўзларни қўллашга алоҳида эътибор қаратади. Балки шунинг учундир 19 байтдан иборат бўлган иккинчи

<sup>5</sup> Сайид Аҳмад. Таашшуқнома / Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. 2 жилд. Нашрга тайёрловчи Н.Рахмонов.– Т.: ФАН, 2007. – 162-6.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

нома фақат тажнисли қофия билан яратылған. Бунда шоир фикрни чиройли, маңноли чиқишига әриштегін. У номада тажнисни құллаш орқали ошиқнинг дил изҳорлари или маъшуқаннинг қүнглигі йўл топмоқчи бўлади:

Қуёшдур оразинг ё Муштарийдур,  
Ки жон бирла жаҳони муштарийдур.

Висолинг **завқи-н+истаб** эй дилором,  
**Та-н+ичра** топмади мискин дил ором<sup>6</sup>.

Ёрнинг хуснини Қуёш ёки Юпитер планетасига ўхшатиб, унга жони ва жаҳони билан асир эканлигини айтади. Ошиқ маъшуқага унинг висолин завқини истаб, фақир тани ичра дили ором топмаётганлигини билдиради. Биринчи байтдаги қофиядош “**муштарийдур**” сўзлари шаклан бир хил бўлсада, бироқ икки хил маънени ифолалаган. Биринчи мисрада Юпитер планетасини билдиrsa, иккинчи мисрада муҳлис, асир деган маъноларни англашиб келган. Иккинчи байтда эса дастлабки мисрадаги Дилором – исм, иккинчи мисрада эса дилнинг ором топиши англашилади. Байтда вазн талаби билан айрим сўзлар ўзидан кейин келаётган сўз билан васл ҳосил қилган. Масалан, **завқи-н+истаб**, **та-н+ичра** каби.

“Гаашшуқнома” асарида ошиқнинг дил изҳорларини ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида битилган байтлар орқали ҳам ифодалаш кузатилади. Хусусан, тўртинчи нома

Ало, эй сар/ви бўйлуқ ло/ла рухсор,

V — — — / V — — — / V — ~

Кўзунг жийрон/ менгингдур муш/ки тотор

V — — — / V — — — / V — ~

каби байт билан бошланади. Шоир байтда ридфи аслийли мурдаф қофияни құллаш орқали ҳазажи мусаддаси мақсур вазнининг оҳангини ҳосил қилган. Ошиқ маъшуқага мурожаат қиласа экан, ташbihдан фойдаланиб унинг бўйини сарв(тик қомат)га, рухсорини лолага, қўзини жайронга, ҳолини хушбўй мушкка қиёслайди. Сайд Аҳмад асарда маъшуқаннинг гўзаллигини, хуснда танҳо малак эканлигини, бундай гўзаллик олдида хуру парилар лол эканлиги тавсифлайди.

Қуёш хуснунг кўруб, эй моҳитобон,

Хижолат топтию бўлди яроқон.

Қачонким лаълингиз бўлса шакарханд,

<sup>6</sup> Сайд Аҳмад. Кўрсатилган асар. – 164-б.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

---

Набот эрнинг қошинда су бўлур қанд<sup>7</sup>.

Моҳитобоннинг хуснини қуёш кўриб, ҳижолат билан ярақон (сариқ касаллиги) бўлганлиги айтилади. Қачонки, ёрнинг лаби чиройли табассум қилса, шунда йигитнинг қошида наввот сув билан қанд бўлиши айтилади. Бунда шоир таносуб, ташбих шеърий санъатларидан ўринли фойдаланиб, бийтнинг таъсирчанлигини оширган. Ўнинчи номада бундай гўзалликни яратганинг ўзи бунёд қилганлиги баён этилади:

Юзунгдур, эй пари, фирдавси аъло,  
Сени зебо яратти Ҳақ Таоло<sup>8</sup>.

Маъшуқага мурожаат қилинар экан, унинг чехраси жаннат боғидан аълолиги, уни бундай зебо қилиб Ҳақ Таоло яратганлиги таъкидланади. Умуман, асарда маъшуқа образи Сайд Аҳмад томонидан ўз салафлари каби анча ишонарли, мафтункор ва жозибали қиёфада талқин қилинган. Биз юқорида “Таашшуқнома” асари таркибида лирик жанр – ғазаллар ҳам ўрин олганлигини таъкидлаган эдик. Ушбу ғазалларнинг мазмuni асарга сингдирилган. Гўё, номанинг давомига ўхшаб битилган. Шундай қилиб, Сайд Аҳмад ўз салафлари Хоразмий ва Хўжандий анъанасини давом эттириб, нома жанрида яна бир асар яратади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13-том. – Т.: Фан, 1997. – 165-б.
2. Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. – Т.: Фан, 1992. – 32-б.
3. Сайд Аҳмад. Таашшуқнома / Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. 2 жилд. Нашрга тайёрловчи Н.Рахмонов.– Т.: ФАН, 2007. – 182-б. Кейинги мисоллар шу манбадан олинади.
4. Rakhmonova Sh.M. Masnavi (Couplet) - As the Basis of Event Poetry. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. Vol. 4. January, (2022). ISSN: 2795-7683. - P. 4-8.

---

<sup>7</sup> Сайд Аҳмад. Таашшуқнома / Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. 2 жилд. Нашрга тайёрловчи Н.Рахмонов.– Т.: ФАН, 2007. – 174-б.

<sup>8</sup> Сайд Аҳмад. Таашшуқнома / Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2 жилдлик. 2 жилд. Нашрга тайёрловчи Н.Рахмонов.– Т.: ФАН, 2007. – 180-б.